




ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 6 май, жума № 72 (1913)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

2005 йил 7-8 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Россия Федерациясига ташрифи бўлади.

Давлатимиз раҳбари Иккинчи жаҳон урушидаги Фалабанинг 60 йиллигига бағишланган тадбирларда ҳамда МДХ мамлакатлари раҳбарларининг норасмий саммитида иштирок этади.

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан 2005 йил 10-12 май кунлари Корей Республикаси Президентини Но Му Хён давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф асосида бўладиган музокараларда икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон-Корея муносабатларини янада ри-

вожлантириши, савдо-иқтисодий ҳамда ўзаро алоқаларнинг бошқа соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама этадилар. Томонларни қизиқтирган долзарб халқаро муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилади. Музокара якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Ғалабанинг 60 йиллигига

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, «Махалла» хайрия жамғармаси ҳамда «Тошкент окшоми» газетаси ташаббуси билан Шайхонтоҳур туманидаги Олим Хўжаев номли махаллада «Қадр топган кексалик» мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Тадбир 9 май - Хотира ва Қадрлаш кунлари ҳамда Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллигига бағишланди.

Сўзга чиққанлар кексаларни қадрлаш, уларга доимий ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш халқимизнинг азалий қадрияти эканини таъкидлади. Жамият ва оиладаги тинчлик-тотувлик, ёшлар тарбияси, эзгу анъаналар узвийлигини таъминлашда нуруний ота-хон ва онахонларнинг ибратли ҳаёт тажрибаси катта аҳамиятга эга. Юртимизда ёши улуг кишилар, уруш ва меҳнат фахрийларини ижтимоий муҳофазалаш, улар учун муносиб турмуш шароитини яратиш, саломатлигини мустақамлаш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Президентимиз Ислам Каримовнинг «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг

60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини муқофотлаш тўғрисидаги фармони мамлакатимизда уруш фахрийларига кўрсатилаётган ҳурмат ва

ҚАДР ТОПГАН КЕКСАЛИК

Ғамхўрликнинг яна бир ифодаси бўлди. Тадбир Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаларининг концерти билан якунланди.

(ЎЗА)

БИРОРТА ҲАМ БОЛА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Президент Ислам Каримов ташаббуси билан Ўсиб келаётган ёш авлод, унинг jismoniy ва маънавий саломатлиги, моддий таъминоти тўғрисида ғамхўрлик килиши Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Тошкентда очилган «Иқтимоий химояга муҳтож болаларга ёрдам кўрсатишнинг самарали шакли ва усуллари» мавзусидаги халқаро форумда бу алоҳида таъкидланди. Анжуман Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари томонидан Тошкент шаҳри ҳокимлиги, «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилиги болалар жамғармаси, шунингдек ЮНЕСКО ва ЮНИСЕФ кўмагида ташкил этилди.

Анжуманда тегишли вазирликлар, идоралар ва жамоат бирлашмалари раҳбарлари, болалик муҳофазаси билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда. Буюк Британия, Швейцария, Россия, Руминия, Туркия, Украинадан келган шу соҳа мутахассислари ҳам қатнашмоқда. Анжуманнинг мақсади давлат ва жамоат ташкилотлари, олимлар ва мутахассисларнинг бу бордаги савий-ҳаракатларини бирлаштириш, ёрдамга муҳтож болалар ижтимоий мослашувини таъминлаш учун умумий ёндашув ва ягона стратегияни ишлаб чиқишдан иборат.

Мамлакатимизда ёш авлод ҳаётини ҳар томонлама яхшилашга қаратилган ижтимоий йўналтирилган сиёсат изчил амалга оширилмоқда. Улар юртимиз келажагининг бунёдкорлари ҳисобланади, деб таъкидлади анжумани очар экан, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази директори, «Sen yolg'iz emassan» жамғармаси хомийлик кенгаши раиси Л.Каримова. 2004 йилда Тошкентда ўтган «Етим болаларни ижтимоий химоя қилиш» халқаро конференциясида қабул қилинган Меморандумга мувофиқ, етим болаларни ижтимоий химоя қилиш бўйича Мувofiқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди ва у катта ишларни бажармоқда. Бундай болалар бўйича ижтимоий индикаторлар ва кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди. Унинг асосида идораларга маълумотлар банки яратилмоқда. Миллий қонунчиликнинг БМТ «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияси талабларига нечоғли мослиги таҳлил қилинмоқда. Айни кунларда «Ўзбекистон болаларининг ҳуқуқлари ва фаровонлиги тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси тайёрланмоқда.

Мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш бўйича чора-тадбирлар халқаро, миллий, идоравий ва ҳудудий даражада амалга оширилмоқда, деб таъкидлади ўз сўзида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов. Бу ишда республика жамоат ташкилотлари, жумладан «Махалла», «Sen yolg'iz emassan», Болалар жамғармалари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати амалий ёрдам кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда)

САМАРАДОРЛИК ОРТДИ

«Континент-Н-ёғ-мой» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ишга туширилган, вилоят аҳолисининг ёғ-мойга бўлган талаби тўлиқ қондирилди. Корхонага Россиянинг «Родник» масъулияти чекланган жамияти кўмаги билан янги ускуналар келтириб ўрнатилди. Натижанда чигитни қайта ишлаш жараёни тезлашиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми икки баравар кўпайди. Қўшма корхонада сифат ва самарадорликка алоҳида эътибор қаратилган боис шу йилнинг ўтган даврида истеъмолчиларга 300 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

(ЎЗА)



КУЛОЛНИ ҲАҲОН ТАНИЙДИ

Ғиждувон шаҳрида қадимий кулолчилик санъатини давом эттиратган сулолалар кўпчиликти ташкил этади. Нарзуллаевлар сулоласи ана шуларнинг биридир. Алишер Нарзуллаев сулоланинг олтинчи вакили. Уни бугунги кунда нафақат халқимиз, балки хорижийлар ҳам яхши били-

шади. Чунки унинг қўли билан яралган олти-миш хилдан ортиқ турли сопол идишлар Англия, Германия, Франция, Япония, Америка каби унлаб давлатларда фахрли ўринларни олган.

Суратда: ғиждувонлик кулоллар Ғибс Қосимов ва Миржон Тоғаев.

С.ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган сурат

«ОТАБЕК»НИНГ МАКТАБ МЕБЕЛЛАРИ

Самарқанд туманидаги «Отабек» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Раҳматжон Эгамбердиев «Ташаббус-2005» куриқ-танловининг вилоят босқичида «Энг илгор тадбиркор» деб топилди. Танловнинг мамлакат босқичида эса «Болалар спортини ривожлантиришга хисса қўшган тадбиркор» номинацияси бўйича ғолиб чиқди.

Саксондан зиёд киши меҳнат қилаётган корхонада мактаб парталари, доскалар, физика ва математика фан кабинетлари учун махсус парталар мажмуаси ишлаб чиқарилади. Шунингдек, ўттиз турдаги спорт жиҳозлари тайёрланади.

Ўтган йили таълим муассасаларига 766 миллион сўмлик ўқув жиҳозлари етказиб берилди. Президентимиз «Ўзэкспомарказ»да очилган мактаб мебеллари, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва спорт анжуманлари кўргазмасида бўлиб, мактабларни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш таълим-тарбия ишларини мазмун-моҳиятини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касби этганини таъ-

(ЎЗА)

Раббар бўлиш осонмас. Кўпчилик ишонч билдирган киши хамиша эл назарида бўлади. Юртин-туриши, муомаласи, хизмат бурчида муносабати каби жиҳатлар ойлар мобайнида имтиҳондан ўтган. Давлатимиз раҳбари халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида раббар масъулияти ҳақида алоҳида тўхталиб шундай деганди: «Бугун раббар бўлиш ўзи осон эмас. Бу - ўта мураккаб ва ўта масъулиятли иш. Бу иш раббарлик вазифасида ўтирган одамдан, бошқа фауналилари қаторида, аввало ирода бақувватлиги ва йимон бутунлигини талаб қилади. Чунки раббар зотини доим таъкиб қилаётган бир хатар борки, унинг номини нафс балоси, дейди.»

Бу сўзларнинг қанчалик ҳаётийлигини куйидаги мисолдан ҳам кўрса бўлади. Масалая «Чуқурроқ ёндашайлик. Сирдарё вилоятининг Боёвут тумани салоҳияти чуқур, мард, ория ятли ва ўта тадбиркор инсонлар маскани эканлигини кўпчилик яхши билади. Бирок, сўнгги йилларда гуруллат турган туманга чамаси кўз тегди. Кўпгина хўжалиқларнинг ишидан унум, барака кўтарилди. Тўрт йилдан ортироқ вақт мобайнида туманга раҳбарлик қилган Эргашбой Дадабоевдан одамлар кўп нарса кутишганди. Яъни, у бой тажрибасини ишга солиб, муаммоларни ҳал этади, инсон омили ҳақида алоҳида қайғуриб, илгор иш усул ва услубларидан оқилона фойдаланиб, барча тармоқларни бирдек ривожлантиришга оришади, дея янги қилинганди. Афсуски, бундай бўлмади.

Туманнинг янги ҳокими дастлабки кезлар жонбозлик, омиликорлик кўрсатган бўлди. Бирок вақт ўтиши билан Дадабоев раббар зотини таъкиб қиладиган хатар - нафс балосидан ўзини ҳоли қилмоқда. Энг ажабланиларини, у мансабини суниестемма қилиб, эркатой ўғлига айрим корхоналарнинг мулкани ноқонуний ўзлаштиришга шароит яратди. Мисолларга эътибор қаратайлик. 2000 йилнинг 19 июн кунин «Ғаллакор» хўжалиги ҳудудида «Саримич-О» фермер хўжалиги ташкил этилди. Унга 20 гектар ер ажратилди. Гарчанд янги хусусий хўжалик Б.Абдушукуров раси этиб тасдиқланган бўлса-да, у четда

нинг буйруғи билан МРО-ТДХХ «Ўзгаротаъминот» корхонасининг мол-мулкани хатлаш бош инспектор Отабек Дадабоевга топширилди. Энди устамон солиқчи юқоридаги корхонага сира алоқаси йўқ «Қишлоқхўжалиқимиз» давлат ҳиссасдорлик жамиятига ҳам бирров «назар» ташлашни лозим кўради. Бу ерда ҳам хунар кўрсатди. У жамият мол-мулкани хатлаш тўғрисида қалбаки далоятнома тузиб, ҳужжатга сохта маълумотлар киритган, баҳоси 902.482 сўм бўлган Рум-5 техникасини арзи-маман сўмга, ҳақиқий баҳоси 1 миллион 650 минг сўм бўлган МТЗ-80 русумли тракторини эса 350 минг сўмга баҳолатиб, «Маматазим бобо» фермер хўжалигига сотиб олган.

Устаси фаранг ўғилнинг бу иш-

НАФС БАЛОСИ

лари мансабдор отага ёқди. Бу ёғи қоронғи-ю, ота болага устозлик қилдимки, ёхуд ўғилнинг «тажриба»си қўл келдимки, биргалашиб каттарок мулкка кўз олайтира бошладик. Кунларнинг бирида 1994 йилда қурилиб фойдаланишга топширилган «Асалчилик» ширкат хўжалигининг маъмурий биноси кўзларига оловдек кўриниб кетди. Дастлабига ўғилнинг кучи етмаган эди, ота босимини зўрайтирди. Хўжалик раҳбарлари таъкирдан беэиби, олти хоналик, баҳоси 4 миллион 206 минг 800 сўм турадиган идорани сув текинга, яъни, 500 минг сўмга мулк бошқармаси орқали «Маматазим бобо» фермер хўжалигига сотишдан ўзга чора топшилолмади. Қўчада қолган хўжалик бошқарувига ҳоким Э.Дадабоев пахта тозалаш заводидан бино ажратиб бериб, масалани силлиққина ҳал этди. Бу ёғи янада ҳайратланарли. Дадабоевлар тасарруфидидаги «Маматазим бобо» фермер хўжалиги 2004 йилда 15 гектар ердан 43,1

тонна пахта сотиш юзасидан шартнома тузганди. Ҳосилнинг 19 тоннаси уруғликка топширилиши белгиланганди. Амалда эса фермер хўжалиги 69,5 тонна пахта тайёрлади. Ҳосилнинг 51 тоннаси уруғлик пахта ташкил этди. Аслида манзара тамомилла бошқача эди. Ҳоким кистови, солиқчи Отабек Дадабоев «Итмоси» билан «Турон» пахта тозалаш ҳиссасдорлик жамияти товаршуноси 32 тонна техник пахтани уруғлик пахта сифатида қабул қилган. Хотамтойликни қаранг, товаршунос 25-30 сентябр кунлари «Маматазим бобо» фермер хўжалиги ҳисобига 9800 килограмм пахтани қўшиб ёзиб қўйган. Бу билан пахта то-

варшунони 43,1 тонна пахта ташаббуси билан 583 гектар ерга асосий экин, 80 гектар майдонга эса такрорий экин сифатида режага киритилмаган шולי экинга изн берилди. Ноқонуний равишда фаолият юритаётган фермерлар на ҳисобот, на ҳосил топширган. Режасиз экин парварishiга 19 миллион 890 минг куб метр, 23 миллион 27 минг 40 сўмлик сув, ана шу оби-ҳаётни пайкалга тортиб берган электр насослари учун 40 миллион 655 минг сўмлик энергия сарфланган.

Нафс йўлига кирганларнинг енг учдаги ишлари ортиқча давом этиши мумкин эмасди. Қўчда ҳаммаси равшан бўлди-қўйди. Боёвут тумани ҳокими (собиқ) Э.Дадабоев ва ўғли О.Дадабоев одил суд олдиди жавоб бердилар. Дадабоевлар найрағни туфайли аввал «Саримич-О» сўнгра «Маматазим бобо» нини билан аталган фермер хўжалиқлари ихтиёрига келиб қолган ўзгалар мулк ҳақиқий эгаларига қайтарилди. Ота-бола қилишига яраша жаосини олди. Лавозим имтиёз эмас, юксак масъулиятдир. Бугунги бошимизда кеңираётган ўта мураккаб замонда олдинги даврларга нисбатан раҳбарлик ва етакчилик вазифасининг қундан-қунга масъулияти ошиб бораётгани ҳақида кўп гапирилмоқда. Давр олдимизга кўнётган масъулиятли вазифаларнинг муваффақиятли уaldasидан чиқса, аввало биринчи раҳбарнинг ҳаётий бой тажрибаси, дунёқараш, шижоати ва қатъиятлиги, керак бўлса, қаттиққўллиги, барчани мақсад сари бирдек сафарбар эта олиш қобилиятига боғлиқ. Ва табиийки, кўпга бош бўлган инсон адолатли, ҳалол, ориятли бўлиши керак. Акс ҳолда ишонч оқланмайди, юқорида қайд этилгандек, нафс йўлига қирилса раҳбарнинг обрўсига путур етади, назардан қолади.

«Ишонч» фойш этади

Ҳоким ташаббуси билан 583 гектар ерга асосий экин, 80 гектар майдонга эса такрорий экин сифатида режага киритилмаган шולי экинга изн берилди. Ноқонуний равишда фаолият юритаётган фермерлар на ҳисобот, на ҳосил топширган. Режасиз экин парварishiга 19 миллион 890 минг куб метр, 23 миллион 27 минг 40 сўмлик сув, ана шу оби-ҳаётни пайкалга тортиб берган электр насослари учун 40 миллион 655 минг сўмлик энергия сарфланган.

Нафс йўлига кирганларнинг енг учдаги ишлари ортиқча давом этиши мумкин эмасди. Қўчда ҳаммаси равшан бўлди-қўйди. Боёвут тумани ҳокими (собиқ) Э.Дадабоев ва ўғли О.Дадабоев одил суд олдиди жавоб бердилар. Дадабоевлар найрағни туфайли аввал «Саримич-О» сўнгра «Маматазим бобо» нини билан аталган фермер хўжалиқлари ихтиёрига келиб қолган ўзгалар мулк ҳақиқий эгаларига қайтарилди. Ота-бола қилишига яраша жаосини олди.

Лавозим имтиёз эмас, юксак масъулиятдир. Бугунги бошимизда кеңираётган ўта мураккаб замонда олдинги даврларга нисбатан раҳбарлик ва етакчилик вазифасининг қундан-қунга масъулияти ошиб бораётгани ҳақида кўп гапирилмоқда. Давр олдимизга кўнётган масъулиятли вазифаларнинг муваффақиятли уaldasидан чиқса, аввало биринчи раҳбарнинг ҳаётий бой тажрибаси, дунёқараш, шижоати ва қатъиятлиги, керак бўлса, қаттиққўллиги, барчани мақсад сари бирдек сафарбар эта олиш қобилиятига боғлиқ. Ва табиийки, кўпга бош бўлган инсон адолатли, ҳалол, ориятли бўлиши керак. Акс ҳолда ишонч оқланмайди, юқорида қайд этилгандек, нафс йўлига қирилса раҳбарнинг обрўсига путур етади, назардан қолади.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» муҳбири

Республикамизда амалга оширилган ислохотлар натижасида иқтисодийнинг, аввало етакчи соҳаларнинг таркиби тубдан ўзгарди. Янги-янги замонавий тармок ва ишлаб чиқариш соҳалари пайдо бўлди. Кейинги пайтларда ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикчиликни амалиётга тадбиқ этиш ва тақомиллаштириш Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгашининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Тармок касабаси уюшмалари томонидан ҳам ижтимоий мулоқот самарадорлигини оширишга қаратилган изчил чоралар кўрилди. 2000 йилда Республикада микросида 76 та тармок келишувлари амал қилган бўлса, 2004 йилга келиб уларнинг сони 90 тага етди. Федерация Кенгаши раёсатининг қарори билан жамоа келишувлари лойиҳаларини экспертиза қилиш амалиёти жорий этилди. Бунинг натижасида мазкур ҳужжатларнинг сифати сезиларли даражада ошди.

Шунингдек, тармок келишувлари иш ҳақини ўз вақтида тўламаганлиги учун иш бевуқчаларини моддий жавобгарликка тортиш, нарх-наво ўзгаришига қараб иш ҳақини қайта қўриб чиқиш, ўз вақтида тўланмаган иш ҳақиға пеня ҳисоблаб чиқиш каби янги меъёрлар ҳам киритила бошланди. Касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсати ўзининг қатор қарорлари билан тузилмаётган жамоа келишувларида меҳнатга ҳақ тўлаш ва ходимлар учун имтиёзлар ўрнатилиши меъёрларини белгиледи. Шунингдек, давлат дастурларига биноан аёлларни, ногиронларни, байналмилалчи жангчиларни, Чернобил халокати оқибатларини бартараф этишда қатнашган ходимларни ижтимоий ҳимоялаш чораларини қулайтириш касабаси уюшма органларига тавсия этиб борди.

2000 - 2004 йиллар мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касабаси уюшма бирлашмалари, жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва товар ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар ҳудудий палаталари ўртасида ижтимоий мулоқот ривожланди. Худудий келишувлар мазмунини бойитиш мақсадида уларга савдо тизимини саккиз хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан доимий таъминлаш, ҳудуд бўйича эришилмаган ўртача иш ҳақи миқдори, жамоат транспортини ривожлантириш каби аниқ меъ-

Ислохот инсон учун

Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва бошқа бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда 2002 йил кўшма қарор қабул қилинди. Унга биноан аҳолини иш билан таъминлашга қўмаклашувчи республика мувофиқлаштирувчи кўмитаси тuzилди. Худудларда ҳам бундай кўмиталар тасис этилди.

Кейинги пайтда республика касабаси уюшмалари меҳнатга ҳақ тўлашининг адолатли тизимини жорий этиш, меҳнатни меъёрлаштириш, мустақиллик йилларида касабаси уюшмалари томонидан ишлайётган аёлларни ижтимоий ҳимоялаш, улар меҳнатини муҳофазалаш борасидаги тадбирлар қулайтирилди. Ишлайётган аёлларга ҳавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш, улар учун иш вақти, таътиллари ва бошқа имтиёзлар яратиш, аёлларнинг туғиш-гача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллари учун зayтириш каби имтиёзлар жамоа шартномалари ва келишувлари воқитасида мунтазам амалга оширилмоқда. Кейинги вақтда касабаси уюшма етакчилари сафига аёлларни кенг жалб этиш ишлари фаоллаштирилди. Шунингдек, хотин-қизлар аҳолини яхшилаш, уларга қўшимча имтиёзлар бериш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлардан тўлиқ фойдаланиш асосий мақсад қилиб қўйилди. Жамоа шартномаларида "Меҳр ва мурувват йили" муносабати билан назарда тутилган имтиёзлар кейинги йилларда ҳам сақлаб қолинишига ва кенгайтирилишига эришиляпти. Аёллар учун ижтисослашган иш жойлари барпо этилган корхоналарга имтиёзлар берилмоқда.

Федерация Кенгаши ижроия кўмитаси қатор касабаси уюшмалари, шу жумладан, Автотранспорт ва йўл ҳўжалиги ходимлари касабаси уюшма Марказий кенгаши илгор тахрибасини оммалаштириб иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни тахлил этиш бўйича мониторинг ўтказишни йўлга қўйди. Унга кўра қарздорликни бартараф этиш бўйича судга муурожаат қилишдан аввал амалга оширилмаган ҳаракат ва қарзни унберувчлар хисобидан ҳал этиш зарурлигини Федерация Кенгаши бир неча бор таъкидлаб ўтди. Ўзбекистон

иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш борасидаги ишларини фаоллаштирилди. Шундан келиб чиққан ҳолда тармок ва худудий келишувларда, қўллаб жамоа шартномаларида иш ҳақидан тўловларни кечиктирганлиги учун корхона раҳбарларининг масъулияти оширилди. Вазирлар Маҳкамасининг "Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги қарори фўқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, ходимларга иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун хизмат қилаяпти.

Федерация Кенгаши ижроия кўмитаси қатор касабаси уюшмалари, шу жумладан, Автотранспорт ва йўл ҳўжалиги ходимлари касабаси уюшма Марказий кенгаши илгор тахрибасини оммалаштириб иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни тахлил этиш бўйича мониторинг ўтказишни йўлга қўйди. Унга кўра қарздорликни бартараф этиш бўйича судга муурожаат қилишдан аввал амалга оширилмаган ҳаракат ва қарзни унберувчлар хисобидан ҳал этиш зарурлигини Федерация Кенгаши бир неча бор таъкидлаб ўтди. Ўзбекистон

БИРОРТА ҲАМ БОЛА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

(Боши 1-бетда)
Ногирон болалар туғилишининг олдини олиш борасида амалга оширилмаётган бирорта бола эътибордан четда қолмаётганини маълум қилди. Анжуман иштирокчилари ўз қишлоқларида ўтган йилнинг сентябрида Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ташкил этилиши давлат ва жамоат тузилмалари сый-ҳаракатларини мувофиқлаштиришда муҳим қадам бўлганини таъкидлади. Халқимиз

бошқалар сўзга чиқди. Анжуман қатнашчилари мамлакатимиз ҳамда хоризжда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга табибий ёрдам кўрсатиш, имкониятни чекланган болаларнинг ижтимоий мослашуви, етимликнинг ижтимоий-психологик муаммолари қандай ҳал этилаётгани ҳамда болаликни ҳимоя қилишини ҳуқуқий жиҳатлари билан таништирилди. Анжуман иштирокчилари ўз қишлоқларида ўтган йилнинг сентябрида Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ташкил этилиши давлат ва жамоат тузилмалари сый-ҳаракатларини мувофиқлаштиришда муҳим қадам бўлганини таъкидлади. Халқимиз

нинг энг яхши аънаёлари-дан бири - ёрдамга муҳтожларга бегараз қўмақ бериш фазилати -мамлакатимизда бирорта бола эътибордан четда қолмаётганини кафолати ҳисобланади. Бу одат нафақат унутилмади, балки жамятиимизда тобора мустаҳкамланиб бормоқда. - Дунёнинг кўпчилик мамлакатлари олдиде ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга муносиб шароит яратиб бериш бўйича бир хил вазифалар турибди, - деди анжуманда ЮНИСЕФнинг Женевадаги минтақавий офиси бош маслаҳатчиси Александр Гордон. - Бундай нуфузли халқаро анжуманининг ташкил этилиши ана шу вазифаларни муҳокама этибгина қолмай, сый-ҳаракатларни бир-

ФЕРМЕРЛАР КўМАГИ

Чирочки туманида қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш, аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилмаётган бунёдкорлик ишларида фермер ва тадбиркорлар ҳам фаол иштирок этмоқда.

Уларнинг бевосита кўмаги билан яқинда тумандаги Шўрбозор ва Хўшали қишлоқларида янги врачлик пунктлари фойдаланишга топширилди. Қурилиш учун сарфланган маблағнинг 27 фоизи шу ҳудудда

фаолият кўрсатаётган фермерлар ҳиссасига тўғри келади. 34 минг АҚШ доллари миқдоридеги замонавий асбоб-ускуна билан жиҳозланган тиббиёт масканида акушер-гинекология, болалар касалликлари, муолажа, лаборатория бўйича малакали мутахассислар аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Кўндузги стационар ишлаб турибди.

ДАРОМАДАН БЕШТА ТРАКТОР

Улуғнор туманидаги «Ишонч» фермер хўжалиги ўтган йил натижалари



Суратларда: лаборатория ходимлари Хадича Умарова ҳамда Альфия Багрева; илгор ишчи Аксана Пуғачёва.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришлар аҳолининг бандлик ҳолатига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Касабаси уюшма ташкилотлари бандлик масаласи ижтимоий ҳимоянинг муҳим йўналиши эканлигини ҳисобга олиб, бу муаммага асосий эътиборни қаратди. 2001 йил Федерация Кенгаши ва Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ўртасида ҳамкорликда тадбирлар дастури тасдиқланди. Унга биноан касабаси уюшма органлари ходимларнинг бандлигини таъминлашда, меҳнат бозорида рақобат қила олмайдиган фўқаролар учун иш жойларини ажратишда, меҳнат ярмаркаларини ўтказишда фаол иштирок этмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иш ҳажмининг камайиши, корхоналар банкорт бўлиши ва туғатилиши оқибатида ишдан бўшаганларни қайта ўқитиш ва бошқа касбга ўргатиш масаласи алоҳида долзарблик касб этапти. Мазкур муаммони келишувлар ва жамоа шартномалари орқали иш бевуқчалар хисобидан ҳал этиш зарурлигини Федерация Кенгаши бир неча бор таъкидлаб ўтди. Ўзбекистон

Ёзги соғломлаштириш - юксак масъулият

"Алпомиш" болалар оромгоҳларида дам олувчиларга аниққас, яхши шароит яратилди. Хивадаги "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчиларининг "Хоразм матлуботсавдо" компаниясига қарашли А.Екубов номли оромгоҳда

Сўздан АМАЛИЙ ИШГА

дам олиши ташкил этилди. Тарбияси оғир бўлган 300 нафар бола ёзги таътилни "Хоразмпахтасаноат" акциядорлик бирлашмасининг "Коинот" оромгоҳида ўтказди.

Соғломлаштириш масканларида таътил давомида болажонларга манзур бўладиган рангбаранг кизикарли тадбирлар, кўрик-танловлари, адабиёт, санъат намоёндалари, ижодкорлар билан учрашувлар, тарихий жойларга саёҳатлар ташкил қилинди. Барча тадбирларда болаларнинг қизиқиши билан иштирок этиши таъминланди. Аммо ўтган даврда бу борада қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Жумладан, Богот, Кўшқўпир, Ҳазорасп, Хива ва

лар оромгоҳларининг моддий-техник таъминоти талаб даражада бўлмади. Шовотдаги "Обиҳаёт" оромгоҳи эса санитария-гигиена талаблариға жавоб берамаганлиги учун маълум муддатга ёпиб қўйилди. Хар йили қайта-қайта таъкидланишиға қарамай, вилоятдаги енгил, ёғочни қайта ишлаш саноати, коммунал хизмат, алоқа ва бошқа қатор соҳалардаги ишловчи ходимларнинг болалари учун оромгоҳлар ташкил қилинмаяпти. Ушбу соҳаларнинг раҳбарлари, касабаси уюшмалари кўмиталарининг мустақаддилари ўз ходимларининг болаларини дам олиши учун йўлланмалар олишни йўлга қўйишмаяпти.

Бу йил ёзги дам олишни ҳар томонлама намунали ташкил этиш вазифаси қўйилмоқда. Бунинг учун барча имкониятлар етарли. Фақат оромгоҳларни таъмирлашни жадаллаштириш талаб этилади.

М.ИСАЕВ, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнатқашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудир

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ШАРОФАТИ

Қуваасой шаҳридаги «Кварц» акциядорлик жамияти ҳузурнда фаолият юритаётган «Алэста Гласс» корхонаси қайта таъмирланиб, замонавий технология асосида иш бошлади.

«Алэста Гласс» - шиша идишлар ишлаб чиқаришга иқтисослашган корхона. Бу ерда икки юз киши меҳнат қилади. Ўтган йили жамоа 200 миллион сўм фойда қурди. Шу пайтга қадар бешта линияда 120 миллион донна шиша идиш тайёрланган бўлса, иккита янги линия ўрнатилгач, 240 миллион донна ана шундай маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти туғилди.

Маҳсулотларимиз сифати, экспортимиз бўлишига ҳаракат қилмаямиз. Германияликлар билан ҳамкорликда иш юритаётганимиз яхши самара бермоқда,- дейди корхона директори Ш.Турғунов. - Хориз технологиясидан фойдаланиш туфайли ишлаб чиқариш қувватини ҳам, маҳсулот сифатини ҳам оширишга муваффақ бўлдик.

(ЎЗА)

Чўчүк сув қадрини ёз жазирамасида саҳро-чўлларида, далаю-дашларда юрганлар яхши билишида. Об-ҳаёт қўйи нури, тоза ҳаво сингари инсон ва табиат учун тириклик манбаи.

Тоза ичимлик суви гидросферанинг 2,5 фоизини ташкил этади. Авлод-аждоғларимиз таъкидлаганидек, оқар суви ифлослантириш гуноҳи-азим ҳисобланади. Ҳисоб-китобларга қараганда бир киши бир кунда ўртача 2-3 литр, йил давомида 1000 литр сув истеъмол қилади. Бундан ташқари ювиниш ва кундалик эҳтиёж учун қанчадан қанча сув фойдаланилади. Агар оқич қолган жўмрақдан уч дақиқада 12,5 литр сув оқиб кетишини ҳисобга олсак, об-ҳаётдан тежаб-тергаб фойдаланиш лозимлигини ҳис этган бўла-миз.

Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитини муҳофаза қилиш ишлари тўғрисида»ги қарорига асосан Қашқадарё вилоятида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш вазифаси қўйилди. Аҳолининг 80,3 фоизи марказлашган тоза ичимлик суви билан таъминланган. Вилоятда 2 та «Сувоқава» ва Талимаржон-Муборак ичимлик суви ишлаб чиқариш ва таъминот корхонаси ишлаб турибди. «Сувоқава» корхонаси 2579 километрни ичимлик суви тармоқлари, 293 та ер ости қудуқлари ва 52 та сув йиғиш, тарқатиш иншоотлариға эға бўлиб, 280 минг кубометр сув ишлаб чиқариш, Талимаржон-Муборак ичимлик суви ишлаб чиқариш ва таъминот корхонаси бир кунда 105 минг кубометр сув етказиб бериш имкониятиға эға.

Қишлоқ аҳолисини си-

МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ КўПАЙМОҚДА

«Янгийўлсўт» корхонаси истеъмолчиларға бир неча турдаги янги маҳсулотларни тақлиф эта бошлади. Илгари бу ерда 10 хил маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда уларнинг сони 15 таға етди. Амалга оширилган техникавий тадбирлар туфайли ҳозир бир кеча-кундузда 5-6 тонна сут қайта ишланиб, қаймоқ, пишлоқ, твoрoг, қатиқ ва бошқа шу каби сифатли маҳсулотлар истеъмолчиларға етказиб бериляпти.

Айтиш мумкинки, янги ишлаб чиқариш қувватларининг фойдаланишга топширилиши, қўшимча иш ўринларининг барпо этилиши ва шунингдек,

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

воқава» корхонаси билан шартнома тузишмаган. Агар ҳар бир машинани ювиш учун ўртача 150 литр сув сарфланса, ҳар кунни ўртача 63 минг литр сув бекорға кетмоқда.

Оқова сувларни биологик, физик-кимёвий ва механик усулда тозалайдиган 50 та иншоот маъжуд ва улар 70 дан зиёд саноат, қурилиш, коммунал маишвий хизмат кўрсатиш корхоналари, шунингдек, аҳоли томонидан ташланган қиқинди сувларни тозалашға мўлжалланган. Тозалаш иншоотлари тўла қувват билан ишламаётгани туфайли табиий муҳитнинг ифлосланишиға йўл қўйилаяпти. Масалан, Нишoн тумани марказидаги иншоот яроқсиз ҳолға келган. Талимаржон шаҳар оқова сув тозалаш иншооти қаровисизликдан бузилиб, фаолиятини умуман тўхтатган. Қарши шаҳридаги сув тозалаш марказида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Шайхали кўргонидеги тозалаш иншооти 1979 йилда ишға тушган бўлса-да, ўшандан буён таъмирланмаган. Барча тежаб-тергаб фойдаланиш ҳар бир кишининг она табиат ва келажак авлод бурдиға инсонийлик бурдини эканлигини асло унутмаслигимиз ҳерак.

И.ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири



Инсон қадри улуг, инсон хотираси - муқаддас

ЭХТИРОМ

Шу юрт, миллат учун, унинг эртанги кунини, порлок келажаги учун курашган, жанггоҳларда матонат кўрсатган ота-боболаримиз бугун чексиз ҳурмат-эҳтиромда. Бу йўлда жон фидо этганларнинг азиз хотираси эса ёш авлод қалбига ўчмас бўлиб муҳрланган.

банинг 60 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари иштирокидаги учрашувлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда. Бундай тадбирларда энг оммавий жамоат ташкилоти ҳисобланган касабга уюшма вакиллари ҳам фаол иштирок этишмоқда.

нинг Сирғали туманидаги «Нуғойқирғон» маҳалласида ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Ўзбекистон энгил, мебел санаети ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касабга уюшма Марказий Кенгаши ташаббуси билан ташкил қилинган учрашува маҳаллада истиқомат қилаётган фахрийлар ва

байналмилалчи жангчилар тақдир этилди. Нуроний ота-хонлар ёшларга урушнинг аччиқ хотираларидан, озод юрт тинчлиги, оқсоқилларнинг кўз қорачиғидек асраш лозимлиги тўғрисида сўзландилар.

Истеъмолчи манфаати муқаддас

КЎРИК-ТАНЛОВ

ёшларда катта қизиқиш уйғотди

Ўз ҳақ-ҳуқуқини англамаган киши ҳеч вақт ўзини ҳимоя қила олмайди. Бу, айниқса бозор шароитида жуда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик назоратини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида республикамизнинг барча вилоятларида «Энг зукко ёш истеъмолчи-2005» кўрик-танловлари ўтказилди. Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси ҳамкорлигида ўтказилган танловлар ҳам кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Зеро, умумтаълим мактабларининг 9-11 синф ўқувчилари ўртасида ташкил қилинган мазкур тадбирларда соҳага оид қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш, истеъмол бозорига сифати даст, одамлар ҳаёти ва соғлиғига ҳавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий маданиятини оширишга доир ишларни фаоллаштириш асосий мақсад қилиб белгилаб олинган.

Дарҳақиқат, кўрик-танлов қатнашчилари қўтилган ҳам пухта тайёргарлик кўрганликларини намойиш қилдилар. Ҳакамлар ҳайъати якуний натижаларга кўра Қарши шаҳридаги 4-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Бекзод Ражабовни ғолиб деб топди. Қарши туман ХТБга қарашли 34-мактаб ўқувчиси Озодбек Умарова эса иккинчи ўрин навиб қилди. Уларга танловнинг республика босқичи йўланмаси ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Умуман истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилишда жамоатчилик назоратини кўчатириш мақсадида вилоятда бир қатор ишлар амалга оширилди. Соҳага доир қонун ҳужжатларини тарғиб-ташвиқ қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 4 ойи давомида Қарши шаҳри, Давсон, Миришкор, Нишон, Дехқонобод, Китоб, Ғузур туманларидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва мактабларда ана шу йўналишдаги кўплаб тадбирлар уюштирилди. Шунингдек, мавжуд 68 та академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчи ёшлари иштирокида «Сиз истеъмолчи ҳуқуқини биласизми?» деган мавзуда кўрик-танловлар ўтказилди.

Ш. СУЛТОНОВ «Ишонч» мухбири

Танловнинг биринчи ва иккинчи босқичлари мактаблар ҳамда туманлар миқёсида ташкил этилди. Қарши шаҳридаги Иқтисодиёт коллежида бўлиб ўтган кўрик-танловнинг вилоят миқёсидаги босқичи ёш истеъмолчилар билан яна бир қарра синовдан ўтказди.

Танловнинг биринчи ва иккинчи босқичлари мактаблар ҳамда туманлар миқёсида ташкил этилди. Қарши шаҳридаги Иқтисодиёт коллежида бўлиб ўтган кўрик-танловнинг вилоят миқёсидаги босқичи ёш истеъмолчилар билан яна бир қарра синовдан ўтказди.



Информация о существующих фактах (событиях, действиях), затрагивающих финансово-хозяйственную деятельность эмитента ГАСК «Кафолат»

Порядковый номер сообщения — 10
Изменения в персональном составе должностных лиц
1. Орган управления эмитента, в котором произошло изменение; Наблюдательный совет ГАСК «Кафолат».
2. Фамилия, имя, отчество каждого лица, избранного (назначенного) в орган управления эмитента и (или) каждого лица, полномочия которого прекращены; Избраны в члены Наблюдательного совета: — Карабаев Фархад Аббасович — Казиев Пулат Рахадович — Умаров Сунаат Абдуллаевич — Рахимбеков Рустамбек Рахимбекович — Абдужаббаров Гулнехра Абдухамидовна
Прекращены полномочия члена Наблюдательного совета, в связи с переходом на

ҲАҚИҚИ ХАЗИНА

Сардоба туманидаги паррандачилик фабрикаси иқтисодий жиҳатдан инкирозга учраб, қарзга ботган эди. Фабрика жамоаси чет эл сармоясини жалб этишга муваффақ бўлди.

Натижада ҳозирги кунда товуқ боқиш, ҳўжа очирш цехлари қайта таъмирланди. Газ, сув узатиш қувурлари янгила-ниб, иш шариоти яхшиланди. Ҳозир бу ерда олти та цех тўла

қувват билан ишлаб турибди. Россия ва Германия технологиялари асосида қайта тикланган ушбу цехларда 74 минг товуқ қатъий рацион асосида парваришланяпти.

лаган корхона аҳли даромаднинг асосий қисмини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирди. Паррандабоқарлар жорий йилнинг биринчи чорагида 2 миллион 600 минг дона туҳум реализация қилишга муваффақ бўлди. Тўрт ой давомида аҳолига уч ярим тоннадан зиёд парhez гўшт етказиб берилди.

Кўнглига меҳру саховатни жо айлаган ҳар бир киши савобли ишдан четда қолмасликка интилади. Зеро, савобли ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак. Кексаларга ҳурмат-эҳтиром, муҳтожларга кўмак кўрсатишни ўз бурчи деб билган Бекобод тумани ижтимоий таъминот бўлими жамоаси ҳам бу борда талайгина хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Туманда истиқомат қилаётган 12 минг 278 нафар пенсионер ва нафақа-хўрлар, 1 минг 472 нафар ногирон, 41 нафар уруш қатнашчиси чексиз ҳурмат-эҳтиром билан қуршаб олинган.

Чунинчи, жорий йилнинг биринчи чорагида бўлим томонидан 2 та ногиронлар аравачаси, 2 та эшитиш мосламаси, 3 та ҳарса, 3 та қўлтиқтак ёрдамга муҳтож кишиларга олиб берилди. 20 нафар нуруний ва ногиронлар республикамиздаги баҳаво сихатҳоҳларда ўз соғлиқларини тиклаб қайтди.

Айни пайтда бўлим мутахассислари томонидан фуқароларнинг талаб-истаклари пухта ўрганилиб, пенсия ва нафақа ҳужжатларини тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Суратда: бўлим мутахассислари иш фаолиятдан лавҳалар.

Суратда: бўлим мутахассислари иш фаолиятдан лавҳалар.

Суратда: бўлим мутахассислари иш фаолиятдан лавҳалар.

Суратда: бўлим мутахассислари иш фаолиятдан лавҳалар.

Суратда: бўлим мутахассислари иш фаолиятдан лавҳалар.

Суратда: бўлим мутахассислари иш фаолиятдан лавҳалар.

Суратда: бўлим мутахассислари иш фаолиятдан лавҳалар.

САВОЛ: ўқитувчиларга иш фаолиятига қараб 25 фоизга-ча, тарбиявий ишларига қараб 15 фоизгача устам ҳақ белги-ланган. Шу устам ҳақ ўқитув-чиға қандай тартибда тўлана-ди?

Н. КАРИМОВ, Бухоро вилояти

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг «Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сетақсига ўтиш тўғрисида»ги қарори том маънода таълим тизимида тўб бурилиш ясади. 2004-2005 ўқув йилининг дастлабки кунини — 1 сентябрдан бошлаб ўқитувчининг ойлик маошлариға қўшимча тарзда умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшган аниқ улуши, юқори самарадорлик ва ўқитиш сифати учун ўқувчиларнинг тест синови натижалари бўйича аниқланадиган таълим стандартларини ўзлаштириб олиш даражасига қараб 25 фоизга-ча миқдорда, шунингдек, тарбиявий ишлар ва синфдан ташқари ишларнинг олиб борилганлиги учун — ўқувчиларнинг тўғрақлари ва секцияларида мунтазам маш-гулотларга ва ижодий фаолиятга жалб этилиши даражасига қараб 15 фоизгача миқдорда тариф сетақсига ойлик махсус устамалар белгилаш бўйича эксперимент ўтказиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилди. Бундай берил-ладан устамалар метод кабинетлари услубчиларига ҳам ўқув жара-нида фойдаланиладиган ўқув услубий материаллар ишлаб чи-қишга, янги педагогика техноло-гиялари жорий этишга, ўқитувчи-ларнинг илгор тажрибаси кенг ёй-илишига ҳисса қўшгани учун бел-гилашни қайд этилган.

Янги ўқув йилидан умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ва услубий кабинетлари услубчилари иш ҳақиға кўрсатиб ўтилган устамаларни жорий этиш бўйича ўткази-лаётган экспериментнинг афзал-лик томони шундаки, унда бирин-чи навбатда ўқитувчи ва услубчи-ларнинг асосий иш ҳақиға уста-малар белгилаш тартиби ва ме-зонлари ишлаб чиқилган. Ўқитув-чиға касб малакаси ва ўқув жара-ёнига қўшган аниқ шахсий улу-ши, ўқитишнинг юқори самараси ва сифати учун умумтаълим муас-сасалари ўқитувчиларига устамалар белгилашда махсус комисси-ялар қуйидаги асосий мезонлар-

нинг касб маҳоратини оширишга йўналтирилган ишлар ўз фани бўйича таълим берувчи семинарлар ва мақсадли қисқа муддатли курсларнинг ташкил этилиши ҳам муҳим ўрин тутди. Бу ўринда, махсус комиссия таркиби қандай шаклланади ва унинг иштини мувофиқлаштириш механизми қандай бўлиш керак, деган ўринли савол туғилди.

ЎҚИТУВЧИЛАРГА УСТАМА ҲАҚ

саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Марказий Кенгаши бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

Бу борда шунини айтиш мумкин-ки, мумтаълим муассасалари ҳузу-ридаги махсус комиссиялар тарки-бига умумтаълим муассасалари рах-барлари, педагогика кенгаши аъзо-лари, шунингдек, ота-оналар кўм-итасининг фаол аъзолари кирадилар. Махсус комиссиялари тегишли ра-вишда умумтаълим муассасалари ва халқ таълимини бошқариш ҳудудий органлари раҳбарлари бошқаради.

«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

Табқиқлаш керакки, ишларнинг самарадорлиги ва касбий маҳорат учун ўқитувчининг тарбиявий ва син-фдан ташқари ишларни амалга оширганлиги учун ҳамда услубчи-ларга таълим жараёнини услубий таъминлашни яхшилашга қўшган шахсий ҳиссаси учун устамалар ўқув йили бўйича ўтган ўқув йилидаги ишларнинг якунлариға кўра белги-ланади. Зарур ҳолларда ўқитувчи ёки методистнинг ўтган ўқув дав-ридаги (чорак, ярим йиллик ва шу қабилар) ишларини ўрганиш якун-лариға биноан махсус комиссия ус-тамаларнинг белгиланган миқдор-ларини қайта қўриб чиқishi мум-кин. Самарадорлик учун устамалар бошланғич синфлар ўқитувчилари-ға синф билан иш олиб боришда муайян кўрсаткичларга эришиш бўйича, ўқув фани ўқитувчиларига эса ўқитиладиган фанга доир муай-ян кўрсаткичларга эришиш бўйича белгиланади. Эътиборлиси, шунда-ки, ўқитувчиға бир йўла икки хил: касб маҳорати ва самарадорлик учун ҳамда тарбиявий ва синфдан таш-қари ишларни амалга оширганлик учун устамалар белгилашни мум-кин.

Хар бир ўқитувчиға қанча устамалар белгиланганлиги тўғрисидаги ҳуло-салар мактабнинг ички мониторин-гидан ўтказилиб, педагогик кенгаш-да қайси ўқитувчи мошиғиға қанча устамалар белгилашни лозимлиги тас-диқлангандан сўнг туман халқ таъ-лими бўлимиларига юборилади.

САВОЛ: нострификация қилинмаган диплом билан ўқитувчилик ёки директор ўрин-босари вазифаларида фаолият кўрсатиш мумкинми?

Г.ЖУРАЕВА, С.АРТИКОВА, Г.ЕРИЕВА, Жиззах шаҳри.

ЖАВОБ: ҳорижда ўқиб келган шахсларнинг дипломлари республикамиз ҳудудида албатта ностри-фикация қилинган бўлиши зарур. Мазкур масала Ўзбекистон Респуб-ликаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-қарори билан тасдиқланган «Ҳорижий дав-латларда таълим олганлиги ҳақида-да ҳужжатларни тан олиш ва экви-валентликни қайд этиш» (нострифи-кациялаш) Низоми билан тартибга солинади. Ушбу тартиб асосида Дав-лат тест маркази таркибида кадрлар тайёрлаш сифратини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқар-масининг нострификация бўлими шўғуланган. Нострификациядан ўтмаган дипломлар ҳақиқий ҳисоб-ланмайди.

Хайтимининг электр энергиясиз тасаввур қилишимиз қийин. Ярим соатгина чи-роқ ўчиб қолса, ўзимизни қайта қўйишни билмай қоламиз. Бу, айниқса, иш-лаб чиқариш соҳаларида яққол кўзга ташланади. Ле-кин ҳамма ҳам нега шундай ҳол юз берди деб ўз-ўзига савол беравермайди. Таъ-минотчилар қилаётган хара-жати ҳамма ҳам бирдек ҳа-ёлиға келтиролмайдди.

Тўловлар кечикаётганлиги натижада қарздорлик миқ-дори сезиларли даражада ошиб бораётганлиги ҳам шундан. Вазирлар Маҳка-масининг «Фойдаланилган электр энергияси учун ҳисоб-китобни тўбдан тақо-миллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарори айни тўғрисида бўлди. Унга муво-фиқ барча юридик шахс электр энергия таъминоти учун шартнома тузиш, та-лаб қилинадиган электр

энергия учун тўлов миқдори-нинг 30 фоизи олдиндан тўланаши ҳамда фойдаланил-ган энергия учун бир ой ичи-да тўлиқ ҳисоб-китоб қили-на тақдим этилган. Солиқ хиз-мати ходимлари, ҳўжалик суди, прокуратура ва мута-садди ташкилотларнинг сай-ёҳаракати туфайли қарздорлик

аниқламайди. Қарор ижросини ўрганиш мақсадида Жиззах шаҳри электр тармоқлари корхонаси ходими Т.Аллаёров ҳамкорли-гида айрим ташкилотларда бўлди. Гапни гапир ўқанға, жони жонға суққанға, дей-дилар. Афсуски, ҳамон ўз бил-ганидан қолмаётган химсалар бор экан. Масалан, «Сайид Аз-лархон» хусусий фирмасининг Баҳор номили умумий оекта-лаш шохбасида электр энергияси ўлчов асбоби муҳ-риси ҳолда ишлаётгани маъ-

ниши ва бу жараёни назорат қилиш солиқ идоралариға юклатилиши белгилаб қўйилган. Бу борда Жиззах вилоя-тида мутасаддилар томонидан амалий тадбирлар ишлаб чи-қилган. Ҳозирги кунда вило-ятда 2600 га яқин юридик корхона ва ташкилотлар рўйхатдан ўтган бўлиб, шун-дан 1 апрел ҳолати бўйича қарздорлиги мавжуд бўлган 514 та корхона ва ташкилот солиқ идоралари томонидан ундириш учун ҳўжалик суди-

сотаётган шохбча беихтиёр эътиборимизни тортди. Бу шохбча фуқаро Шавкат Хол-бобоеваға тегишли бўлиб, ҳеч қандай ҳужжатсиз, ўлчов ас-бобисиз электр энергиядан яширинча фойдаланиб кела-ётганлиги аниқланди.

Муттасил тушунтириш ишлари олиб бориладигани-ға қарамай, юқоридаги ҳолат-лар ҳам учраб турибди, - дей-ди Жиззах шаҳар Давлат со-лиқ инспекцияси бош ин-спектори Э.Усмонов. — Бун-дай қонунбузарларни қош

Ким-кимни алдаяпти

қилиш борасида амалий тадбирлар ўтказилди. Ми-сол учун. Масуулиятсиз ва қонунбузилишиға йўл қўйган 6 нафар электр энергия назорати нозирини 332 минг сўм мамыурий жа-римага тортиди. Жумладан, Давлат солиқ бошқармаси томонидан жо-рий йилнинг январь-март ва апрел ойларида истеъмол қилинган электр энергияси муддати ўтган дебиторлик қарзини ундириш ҳақидаги тақдиминомалар ҳўжалик су-диға берилиб, ҳўжалик юри-туви субъектлардан унди-рилмоқда. Бирорнинг ҳақи бирода қолиб кетмайди. Бунини таш-қаридан аралашувларсиз ҳал қилганға нима етсин.

Ю.ОЧИЛДИЕВ, «Ишонч» мухбири

МАРАФОН - САЛОМАТЛИК КАФОЛАТИ

Инсон саломатлиги учун энг фойдали спорт турларидан бири югуришдир. Бу спортда одам организми аъзоларининг барча қисми фаол ҳаракатга келади. Айниқса, марафонча югуриш саломатлик учун кони фойда.

1-Тошкент давлат тиббиёт институти Урганч филиали ректорати ва касаб уюшмаси «Сихат -саломатлик йили» ҳамда «9 май -Хотира ва Қадрлаш куни»га бағишлаб, талабалар ўртасида оммавий югуриш мусобақасини ўтказди. Марафон филиал талабалари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга ошно қилиш ҳамда уларнинг соғлиқларини мустақамлаш мақсадида уюштирилди.

Оммавий тадбирда 800 дан зиёд талабалар фаол иштирок этди. Қизиқarli ўтган мусобақаларда ўғил болалар ўртасида марра чизигини биринчи бўлиб доволаш факультетининг 7-курс талабаси Улугбек Матчонов босиб ўтди. Кейинги ўринлар доволаш факультети 4-курс талабаси Музаффар Матқубов ҳамда педиатрия факультети 1-курс талабаси Темура Тангрибергеновга насиб этди. Қизлар ўртасида Адолат Машарипова ҳамда Феруза Авезовалар голибликни қўлга киритди.

Марафон ташкилотчилари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, «Меҳр -шафқат» жамағатаси вилоят бўлими, «Саломатлик маркази» жамоатчилик ташкилоти вакиллари голиб ва совриндорларни қўмнатбаҳо совға ҳамда эсталик дипломлари билан тақдирлашди.

Н. НАЗАРОВА



Касаба уюшма тадбири

Хотин-қизлар спартакиадаси

Хотин-қизлар ўртасида спорт оммавийлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида айни кунларда республикамизнинг барча вилоят ва шаҳарларида аёллар спартакиадаси беллашувлари ўтказилмоқда. Тошкент вилояти маданият ва спорт ишлари бoshқармаси, хотин-қизлар кўмитаси ҳамда касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган спартакиаданинг худудий босқич мусобақалари поёнига етди.

БАРЧА БИРДЕК МАНФААТДОР

Спартакиаданинг сўнгги худудий босқич беллашуви Бекобод шаҳридаги «Металлург» спорт клубида бўлиб ўтди. Унда Бекобод шаҳри ва тумани жамоаларидан ташқари Бўка, Куйи Чирчиқ ҳамда Пскент туманлари вакиллари қатнашди. Беллашувлар 25-35 ҳамда 35 дан юқори ёшлар ўртасида ташкил қилинди. Спортчи хотин-қизлар волейбол, стритбол, энгил атлетика, арқон тортиш, стол тенниси, шохмот ва шашка каби энг оммавий спорт турлари бўйича мусобақалашди. Шунингдек, аввалги худудий босқич беллашувларидан фарқи равишда бу галги мусобақа дастуридан сузиш спорт тури ҳам ўрин олди.

Мезбон жамоа аъзолари девяри барча спорт турларидаги мусобақаларда рақибларига нисбатан анча фаол иштирок этишди. Жумладан, стол тенниси бўйича 25-35 ёшлар ўртасида О.Мамарасулова, 35 дан юқори ёшлар ўртасида эса М.Каримовага тенг келадиган рақиб топилмади. Стритбол баҳсларида ҳам Бекобод шаҳри жамоасига омад кулиб боқди. Шунингдек, мезбонлардан шохмот бўйича Г.Ким, шашка бўйича К.Юн ҳамда энгил атлетика бўйича Р.Малишевдалар голибликни қўлга киритиб, умумжамоа галабасига катта улуш қўшдилар.

Куйи Чирчиқ тумани спортчилари мезбонларга муносиб қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Улар арқон тортиш ва волейбол бўйича баҳсларда голиб чиққан бўлсалар, стритбол ҳамда сузиш беллашувларида эса иккинчи ўринни эгаллашди.

Шундай қилиб, умумжамоа ҳисобидан биринчи ўринни Бекобод шаҳри жамоаси эгаллади. Куйи Чирчиқ тумани хотин-қизлари иккинчи, Бекобод тумани жамоаси эса учинчи ўрин билан қийоғланди.

Голиб ва совриндорларга мусобақа ташкилотчилари томонидан таъсис қилинган фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

К. ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» мухбири

ТАИЛАНДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида ўтган мамлакат оқич чемпионатида мезбонлардан ташқари, Ўзбекистон ва Вьетнамдан келган спортчилар голиблик учун куч синашди.

12 ёшга бўлган синхрон сузувчилар баҳсида Алина Пионтковская мураббийлигида шуғулланган Анастасия Здравикова ва Якалик беллашувларида шохсувнинг энг юқори поғонасидан жой олди.

13-15 ёшли спортчилар баҳсида Элмира Файзуллаеванинг шогирдлари - Фотима ва Зухра Уримбоева мусобақанинг кумуш медалини қўлга киритди.

16-18 ёшли сузувчилар ўртасида мажбурий дастур бўйича Наргиза Сиддиқова ва Якалик беллашувларида Надежда Кушвид учинчи ўринни эгаллади.

Чемпионатнинг энг қизгин беллашувлари 18 ёшдан катта спортчилар иштирокида бўлди. Якалик баҳсларида қатнашган ҳамюртимиз Дарья Можаванинг чиқиси ҳақамлар томонидан юқори баҳоланди ва Ўзбекистонлик спортчи Таиланд оқич чемпионатининг олтин медалини қўлга киритди.

НАШРДАН ЧИҚДИ

Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг 9-жилди нашрдан чиқди. У «Тўйчи Хофиз» мақоласи билан бошланиб, «Шаршара» мақоласи билан тугайди. Китоб 3026 мақоладан ўзичига жамланган.

Мазкур жилддан тарих, тил ва адабиёт, фалсафа ва ҳуқуқ, динлар тарихи, ҳуқуқ ва сиёсатшунослик, педагогика, география ва геология, иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги, биология, тиббиёт, кимё, физика, математика ва техника, маданият ва санъат, спорт каби фан ва йўналишларни қамраб олган.

Китобда 700 дан зиёд биографик мақола, 800 дан зиёд беэак материал, шу жумладан, ҳариталар, расмлар, суратлар ҳам бор.

Янги жилдини тайёрлашда 600 нафардан зиёд муаллиф ҳамкорлик қилишган.

Р.ОРИПОВ, «Ишонч» мухбири

Хотира уйғонса гўзалдир

2003 йилнинг март ойлари охири бўлса керак, ёзувчи Тоғай Муродга сизм қоқиб, суҳбатлашмоқчи эканлигини айтдим. Аввалдан у кишини яхши танишим тўғрисида рад жавоби оламан, деб ўйлагандим.

БИР СУҲБАТ ТАРИХИ

Хуллас, менинг интервью олишим осон бўлмади. У киши узок вақт кўнма тихирлик қилди. Кейин шарт қўйди:

— Майли, сазангизни ўлдургим келмаяпти. Ҳажми қанча бўлсин? Саволлар тузиб қўйибман, дейсизми? Саволларингизнинг ёққанини қолдираман, маъқул келмаганини ўзгартираман.

Қалам аҳли шошқалоқ халқ, тезроқ иши битишини истади. Шунинг учун икки-уч кун оралигида, Тоғай Мурод акага кўнғорик қилиб турдим. Хар сафар у киши: «Ёзганман, саволларингизнинг буниси маъқул, унисини ўзимдан қўшдим. Аммо ҳажми жуда катта бўлиб кетаяпти», деб кўярди.

Нихоят, хурматли адимибиздан суҳбат матни тайёр бўлганлигини эшитган, уни олиб келиш ҳаракатига тушдим. Аммо адиб Матбуотчилар кўчасига яқин жойлашган Адлия вазирлигида ҳам иши борлигини, йўл-йўлақай суҳбат матнини ташлаб ўтиши мумкинлигини айтиб, мени хотиржам қилди. Эртаси кунни хизмат телефоним жиринглаб қолди. Гушакни кўтардим, таниш овоз эшитилди. Тоғай Мурод ака узоги билан бирор сўзларда газета корпусида боришини, мени кўриб туришини айтди. Мен ҳозиргача ҳайратдаман: бу одамнинг камтарлигини қаранг. Мен у кишини кутиб олиш

бўлган матни ўзим тайёрлар ва айрим қаҳрамонларим истагига кўра, бир сира уларнинг нигоҳидан ўтказиб олардим. Ёзувчи Тоғай Мурод эса матни ўзи тайёрлаган, суҳбат остида каминанинг исми-шарифи турар, демак, қалам ҳақи у кишига ҳам тегишли бўлиши керакдай эди. Лекин менинг тақлифимни адиб кескин рад этди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай (суҳбат босилиб чиққанидан ролпа-роса бир ойлардан кейин) бир кун ишга келсам ҳамкасбларимдан бири тўсатдан шундай деб қолди:

— Тоғай Муродни эшитдингизми?

— Йўқ, нима бўпти? — дедим негадир юрагим орқага тортиб.

— Оламдан ўтибдилар...

— А?! — Минг таассуфки, ҳозиргина эшитганим шум хабар ҳақиқат бўлиб чиқди. Сира ишонгиси келмайди кишининг. Кечagina соппа-соғ юрган алпокат инсон... бугун орамизда бўлмас-я. Энди у билан учраша олишлик, суҳбат кура олишлик имкониятидан барча ёрдўст ва биродарларнинг маҳрум бўлганлиги ҳам рост эди. Ана шу ростлик киши юрагига маҳзунлик, сўнгсиз бир мунг олиб кирарди.

Мен ёзувчи Тоғай Муроддан ҳеч бир журналист ололмаган интервью муаллифи бўлганимдан фойда шод эдим. Яқинда бир хушхабар эшитиб қолдим. Худди шу суҳбат тўлиқ ҳолида Татаристон Республикасида «Татар эли» журналида ҳам чоп қилинар экан...

Х.ТҲЙМАНОВА

«ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ»ДА БЕЛЛАШУВ

Қарши шаҳридаги «Қашқадарё соҳили» сикатгоҳида Фармон Омонов хотирасига бағишланган шахмат турнири бўлиб ўтди.

Хотира ва Қадрлаш куни арафасида ўтказилган турнир иштирокчилари ҳамда жамоатчилик вакиллари мусобақа олдинда вилоятни ижтимоий-иқтисодий юксалтиришга катта ҳисса қўшган фидойий инсон, таниқли олим ва жамоат арбоби Фармон Омонов хотирасини ёдга олди.

Бир неча гуруҳлар ўртасида кечган баҳсларда ўсмирлар, ёшлар, қизлар ва фахрийлар иштирок этди. Қарши шаҳридаги 26-мактаб ўқувчиси Маъруф Убайдуллаев ўсмирлар ўртасида биринчи ўринни қўлга киритди. Қарши давлат университети талабаси Темура Убайдуллаев ёшлар, университет ўқитувчиси Толиб Остонов эса фахрийлар орасида биринчи бўлди. Қизлар баҳси Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти хузуридаги лицей-интернат ўқувчиси Сарвиноз Ҳушаванинг галабаси билан якунланди.

(ЎЗА)

«ХУМО» БАЛЕТИ

Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида 2 кимдан иборат «Хумо» афсонавий балет-эртаси асарининг премьераси бўлди. Асар муаллифи композитор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби А. Эргашев. Асарни «Грузия Давлат мукофоти лауреати», халқ артисти, профессор Г. Алексидзе сахналаштирди. Сахналаштирувчи расмон Грузияда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ю.Гегешидзе.

Эртаси балети. У шакл-шамойилига кўра аввалгиларидан анча фарқланади. Ана, сахнада ажабтовур либос кийган сабҳатчи Дарвеш Қаландар. Маросимларга хос тимсолий ҳатти-ҳаракатлар ила олтин муқовали қадимий китобга ишоралар қиларди ва кўз ўнгимизда афсонавий ривоят қаҳрамонларини: сириш паризод-қўш Хумо, қиз қўш Зулайхо, унинг севглиши навқирон Заргар ва ёвуз

овчи Мансур пайдо бўлади. Сахнада тоғ овулига яшовчи навқирон Заргар. У кулол ва қўл гул мисгар уста. Табиат шундай, булоқ ва дарёларнинг роҳатбахш сувларидан ичсини, мусоффо хавода яйраб сайр қилишни хуш кўради. Ям-яшил майдон, сеҳр тўла манзаралар бир-бир кўз ўнгимиздан ўтади. Хумонинг ишораси билан кушлардан фақат бири - Зулайхо қолади: икки ёш бир-бирларига махфия бўлиб, сеҳрли қўш Хумони ҳам сезиш-

Тақдимот

майди... Сезган бўлсангиз, спектакл икки севилган Заргар ва Зулайхолар ҳақидадир. Уларни кўпгина синовлардан ўтказган Паризод-Хумо мамун ҳолда оқ фотиха беради.

Ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар А.Бобонова, Н.Ҳасанова, Н.Кулибаев, Э.Меналиев, О.Галиев, Ю.Коротяева, Н.Ҳамроева ва бошқалар катта маҳорат билан ижро этмоқдалар.

Р.ОРИПОВ, «Ишонч» мухбири

Бор бўл, оқибат!

додли ўқувчиларни аниқлаш, уларнинг аниқ, табиий, ижтимоий-гуманитар фанларга қизиқишларини қулайтириш, илмий излашларга жалб қилиш мақсадида Урганч Давлат университети билан ҳамкорликда фан олимпиадалари уюштириляпти. Ме-

мига 544 минг сўм маблағ ўтказилди. Хива «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларидан 20 нафари ўзлари танлаган ва қизиққан мутахассислик бўйича ўқишга қабул қилинди. 1,5 минг талаба ётоқхона билан таъминланди.

Назарий билимларни мустақамлаш мақсадида 222 гектар майдонда ўқув хўжалиги ташкил этилган. Ёрдამчи хўжалиқда 20 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг асосий қисми талабалар эҳтиёжи учун сарфланди.

Режалар янада катта. Улуғвур мақсад бита,у ҳам бўлса, таълим муассасаларида мавжуд имкониятлардан оқилона, самарали фойдаланиб, таълим-тарбиянинг замонавий илғор усуллари, янги педагогик технологияларни кенг қўлланган ҳолда мутахассис кадрлар тайёрлаш, сифатини яхшилашдир. Бунинг учун барча имкониятлар ишга солиняпти.

ЁЛКИН

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар Кенгаши Кенгаши таъини ишлар бўлими мудир Хусан Махмудовага ораси ФАРИДАНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур тазвия изхор этади.

«Илмий гоьларнинг қиммати, бу унинг халққа, Ватанга хизмат қилишида, тадқиқотларнинг натижаси халқ хўжалигига қанчалик фойда келтиришида», деб хисобларди устоз олим Иброҳим Ҳамроев.

ЯНГИЛИК КАНАДАДА ТАН ОЛИНДИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги ўзининг кўп йиллик илмий фаолиятида шу эътиқодга амал қилди. Унинг илмий тадқиқот ишлари 200 га яқин илмий асар, рисола ва мақолаларда ўзифодасини топди. «Фарбий Ўзбекистондаги магматик ва магма ҳаракатидан кейинги жараёнлар» деган китоб, «Магматик комплексларнинг қон ҳосил қилишидаги метрография, геохимик белгилари» каби йирик монографиялар яратди. Эл ардоғида бўлган фан арбоби таваллуд топганига 85 йил тўлди. Ундан бир олам илмий хазина, қўллаб шогирдлар хотира бўлиб қолди. Улардан бири истёъдодли геолог олим Рустам Юсупов эди.

Р.Юсупов геологик-кўридув экспедицияси бошлиғи сифатида Чотқол тизмаларидаги Аршон тоғларида ёзги қидирув ишларини олиб борар эди. Вулқон жинси базальтнинг бир минерали унинг эътиборини ўзига тортди. Қанчалик синчилаб қарамасин на илгари кўрганларига, на китобларда ўқиган минералларнинг биронтасига ўхшата олди. Ушбу янги минерал лаборатория шаронтида текшириб кўрилди.

Янги минерал табиий титан карбиди ва темир аралашмаси билан бирга бўлиб, Аршон тоғида куйи перм даврида ҳосил бўлганлиги аниқланди. Шундай қилиб, Р.Юсупов уни ёр юзида

Фахр

биринчи бўлиб топганлиги фанга ошкор бўлди. Ушбу топилмаган ном бериш лозим эди. Ҳеч иккиланмасдан уни ўз устози Урта Осиев рудали конларини текширган етук олим Иброҳим Ҳамроев номи билан аташни тақлиф этди.

Бу кашфиёт тўғрисидаги маълумотлар Канаданинг Торонто шаҳридаги халқроқ минерология жамиятининг янги минераллар ва унинг номлари бўйича махсус комиссиясига юборилди. Нуфузли комиссия бу минерални яна бир бор текширгандан сўнг, янгиликни тан олди ҳамда унинг «хамробовит» деб аталиши ҳақидаги тақлифни қўлчилик овоз билан маъқуллади.

Минералнинг эталон намунаси эса ҳозир Москвадаги минерология музейида ноёб экспонат сифатида намоиш қилинмоқда.

Ақбар АЛИЕВ

ЎЛКАШУНОСЛАР ГОЛИБ

Бугунги кунда мамлакатимизда кўпгина болалар ва ўшлар туризм ва ўлкашунослиги марказлари фаолият кўрсатмоқда. Улардан 12 таси болалар ва ўшлар туризм ва ўлкашунослиги республика маркази атрофида бирлашган. Ўлкашунослик, музейшунослик, халқ амалии санъат тарихи, тоғ сайёҳлиги йўналишидаги тўғрақ аъзолари яна бир жиддий синовдан ўтдилар. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Темурийлар тарихи давлат музейи томонидан уюштирилган танловда энг иқтидорли ёш турист ва ўлкашунослар аниқланди.

Самарқанд ва Навоий вилоятлари вакиллари совринли биринчи ўрин билан тақдирландилар. Қашқадарёлик ҳамда фарғоналик ёшлар иккинчи ва учинчи ўрин соҳиби бўдилар. Фолиблар пўл мукофотлари билан бирга турли спорт туристик анжомлар билан тақдирландилар.

Тахир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чика бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва сақфаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Соғувда эркин нарҳда.

«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.